

XVIII аср ўрталарида Тошкент тўртта — Бешёгоч, Кўкча, Себзор ва Шайхонтохур дахаларига бўлинган. 1784 йили Шайхонтохур дахаси хокими Юнусхўжа томонидан барча дахалар бирлаштирилиб, ягона сиёсий хокимият барпо этилган.
Кўкча дахаси шахарнинг гарбий кисмида, асосан, хозирги Шайхонтохур тумани худудида жойлашган. Унинг худудини чукур жарликлар кесиб ўтган. Чегараси шаркда Сагбон кўчасининг шаркидан, жануби-шарк тарафидан Куйи Бўзсув бўйлаб (Маннон Уйгур ва Самарканд дарвоза кўчалари оралигидан) ўтган. Бу ерларнинг гарбида кўкчаликларнинг боглари ва полизлари бўлган. Асосан, Кайковус ва унинг шохобчаларидан сугорилган Кўкча дахасининг чорбоглари Назарбек, Кўксарой хамда Келес дарёси бўйларидаги жойларда бўлган. XIX аср ўрталарида Кўкчада учта — Сагбон, Чигатой ва Кўкча дарвозалари бўлган.
Кўкча махалласи тарихи бевосита Шайх Зайниддин-бобо билан узвий боглик. Бу зотнинг отаси багдодлик машхур сўфий, сухравардия тарикатининг рахнамоларидан саналган шайх Шахобиддин Сухравардий (1145-1235) бўлган. Тарихдан маълумки, шайх Шахобиддин 1215 йили Мухаммад Хоразмшох хузурига Багдод халифаси Носирнинг (1180-1225) элчиси сифатида келган. Шайх Зайниддин отаси таълимотини Тошкентда кенг таргиб этган. Уни шайх Зайниддин Куйи Орифоний деб улуглашади. Унинг вафотидан сўнг, кабри зиёратгохга айланиб, атрофи Орифон деб ном олган кишлокка айланган (ХШ аср). XIV асрнинг 90-йилларида Амир Темур Тошкентда бўлганида кабр устига макбара курдирган. XVI асрда унинг атрофида Орифон махалласи бунёд этилган бўлиб, у шахар ташкарисида жойлашган. Бу махалла XIX асрда Шайх Зайниддинбобо, кейинчалик Кўкча деб ном олган.
Кўкча ахолиси, асосан, кўнчилик билан шугулланган. Архив маълумотларига кўра, 1871 йилда дахадаги 695 устахонадан 341 таси кўнтери, 218 таси косибчилик устахонаси бўлган. Кўкчада 7 та хумдон, 22 та тегирмон, 22 та обжувоз, 34 та мактаб, 4 та мадраса (Эшон Бўрихўжа Сакичмоний, Шукурхон, Хофиз Кўхакий, Шарафибой), 60 та масжид, 14 та кадамжо-мозорлар (Лангар ота, Ялангоч ота, Ваккос ота, Кўйчи мозор ва х.к.) бўлиб, шундан энг машхури Шайх Зайниддинбобо кабристони хисобланади.
Кўкча дахасига куйидаги махаллалар кирган: Айрилиш, Аллон, Баландкўприк, Гузарбоши, Дамак, Жарарик, Ишкобод, 1-Каллахона, 2-Каллахона, Каттаховуз, Кесаккўргон, Кунжак, Кўкча, Лангар, Махкама (Чорсу бозори махалласи; махалланинг бошка кисми Бешёгоч, Себзор дахаларида), Молхарам, Обиназир, Окилон, Октепа, Пичокчилик, Подахона, Сархумдон, Сакичмон, Сагбон, Сагбон Октепа, Торкўча, Тўкшжаллоб, Хиёбон, Ходабозор, Хонакох (Хонакохи бузург; бир кисми Бешёгоч

дахасида), Хотинмасжид (бир кисми Себзор дахасида), Хўжакўча, Хўжапарихон, Чакар, Чигатой Чакари, Чигатой, Чукуркишлок, Шайх Зайниддинбобо, Янгишахар, Шохнишинтепа, Ўзгант, Ўрикзор, Катортерак, Килбел-бог, Козикўча, Козокбозор (Чорсу бозори махалласи; бир кисми Себзор дахасида), Коракийик, Кўргонтаги, Кўштут, Калимкўп, Хожималик, Хофиз Кўхакий. Шуни назарда тутиш лозимки, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида махаллалар сони ва номланиши ўзгариб турган.
Обиназир — Кўкча дахасидаги кадимги махаллалардан бири бўлиб, шахарнинг гарбий кисмида Кўкча дарвозасига якин ерда жойлашган. Махалла номи баъзи тадкикотчилар томонидан «Ёбуназир» шаклида, Кўкча дарвозасини кўриклаган «Ёбу» кабиласи номидан олинган деб хисоблашларига кўшилиб бўлмайди. Аслида эса, унинг мазкур кабилага мутлако алокаси йўк. Тарихчи Салохиддин Тошкандийнинг ёзишича: «1390-91 йилларда Дашти Кипчокка отланган Амир Темур Тошкентда бўлганида Хазрат Шайх Зайниддин Кўйи Орифонийга Кайковус суйидин чикариб, кабрлари узра гумбаз кўтариб, андин кейин Занги отани муборак кабрларини бино килган». Бундан кўринадики, бу арикнинг номи Обиназир — «назир килинган сув» демакдир. Хожа Ахрор Валий манокибларида («Рашахот» ва б.к) битилишича, Зайниддинбобо зиёратига келиб астойдил Аллохдан фарзанд тилаган бефарзанд оилалар муродларига етишган. Обиназир ариги мукаддас саналган, унинг суви кўпгина дардларга даво бўлган. Хозиргача ахоли масжид эшиги ёнида, ер остидан чикадиган шу сувдан фойдаланиб келмокда. Хулоса килиб айтганда, махалла XIV аср охири - XV аср бошларида айнан мана шу арик бўйида вужудга келган ва унинг номи билан аталган. Хозирда Шайхонтохур туманига карашли махалла Янгишахар, Богкўча, Гулобод, Жарарик махаллалари билан чегарадош. Махалла худудида XIX асрга оид меъморий обидалардан Обиназир ва Пўлатбой масжидлари сакланиб колган.
Янгишахар махалласида кадимда Кўкча дарвозаси жойлашган. Тарихчи Мухаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асарида келтирилишича, Шайх Зайниддин кабристонидан Кўкча дарвозасигача бўлган масофа 1800 кадамни ташкил этган. Махалла Обиназир, Кўкча, Жарарик, Окилон махаллалари билан чегарадош. Махалла номининг келиб чикиши хакида тарихчи олим Х.Меликулов «Махалла — Ватан ичидаги ватан» китобида шундай ёзади: «Бир пайтлар Кўкча атрофи бутунлай бог-роглардан иборат бўлган. Факатгина мана шу Янгишахар деб аталадиган кисмидагина баланд-баланд иморатлар бўлган, яъниким шахарчага ўхшаб турган, номи ана шу ўхшашлик билан боглик». Бизнингча, бу унчалик тўгри эмас. Янги шахар махалласи кўшни Обиназир махалласи тарихи билан узвий боглик бўлиб, тах-минан XIV-XV аср бошларига бориб такалади. XIX аср охири - XX аср бошларида шахар худудининг кенгайиши натижасида, шахар девори ташкарисида кўплаб янги махаллалар вужудга келган (масалан, Янгишахар Минор, Янгишахар Турк, Янгишахар Лабзак ва х.к), шулардан бири Янгишахар махалласи бўлган. Махалла ахолиси, асосан, майда хунармандчилик, бог-дорчилик, дехкончилик, савдо-сотик билан шугулланган.
Шохнишинтепа хам Кўкча дахасидаги кадимги махаллалардан бўлиб, Чигатой дарвоза кўчаси (хозирги Форобий)да жойлашган. Махалла номи шу ердаги Шохнишинтепа археологик ёдгорлиги (VII-XIII асрнинг бошлари) номидан олинган. Ривоятларга кўра, Турон подшоси Афросиёб ўз фукароларини шу ерда кабул килган. Шохнишин — шох ўтирган ер маъносини билдиради. Бу тепаликдан илк ўрта асрларга оид моддий маданият ёдгорликлари топилган. IX-X асрларда бу ерда кўшк барпо этилиб, у Бинкат рабоди таркибига кирган. Махалла ахолиси кулолчилик билан машгул бўлган,

археологик изланишлар натижасида бу ердан кулолчилик устахоналари ва хумдонлар топилган. Мўгуллар боскинига кадар Шохнишинтепа Бинкат рабоди махаллаларидан бири бўлган.
XIX аср охири - XX аср бошларида Шохнишинтепа (халк тилида «Шаршинтепа») Эски шахар бозори атрофидаги махаллалардан бири бўлиб, у Чакар, Тўклижаллоб, Чигатой махаллалари билан чегараланган. Анча гавжум махаллада 300 га якин хонадон яшаган. Ахоли, асосан, майда хунармандчилик, савдо-сотик, шахар атрофидаги бог ховлиларида (Захарик, Октепа, Белтепа, Дамарик мавзеларида) богдорчилик ва дехкончилик билан шугулланган. Махалла гузарида чойхона, бакколлик дўконлари, масжид бўлган. Хозирда Шохнишинтепа «Эски шахар» ва «Чигатой дарвоза» махаллалари таркибига кирган.
Даха худудида бир канча зиёратгох мозорлар бўлган, жумладан, Коракийик махалласида — Хўжа Бобохўжа мозори, Кўкча махалласида — Шайх Зайниддинбобо мозори, Каллахона махалласида — Окчўллик-Кўктўнлик ота мозори, Ўзганд махалласида — Лангар ота мозори, Хофиз Кўхакий махалласида — Хабзи ота мозори, Чимбой махалласида — Турсун ота — «Давлат шохота» мозори, Молхарам махалласида — Чилик ота мозори, Тўкдижаллоб махалласида — Ялангоч ота мозори, Сагбон Октепаси махалласида — Корахўжа ота мозори, Чигатой махалласида — Кўйчимозор, Пичокчилик махалласида — Эски мозор, Коракамиш махалласида — Ваккос ота мозори, Хиёбон махалласида — Чилла мозори, Янгишахар махалласида — Кўкча мозори ва бошкалар.
1929 йил шахарда районлаштириш жараёни бошланиши билан Кўкча дахаси янги ташкил этилган район (собик Октябрь, хозирги Шайхонтохур) таркибига киритилди.

Машхура ХАСАНОВА